

## ИХТИРО ЎТМИШНИ ИЎРГАНИШ - КЕЛАЖАКНИ АНГЛАШДИР

*Тогаев Хўжамберди, Умаров Раҳим, Алибоев Турғун*  
*А.Қодирий номидаги ЖДПИ, Технологик таълим кафедраси*  
*ўқитувчилари, Жиззах ш., Ўзбекистон*

**Аннотация.**Мақолада ихтирочилик сирини, ихтирочилик фаолиятининг қисқа тарихи ва таълим тизимида ихтирочилик самарадорлигининг пасайиши сабаблари ва уни бартараф этиш имкониятлари баён қилинади.

**Аннотация.**В статье кратко излучается тайна изобретательство, история изобретательской деятельности, причины снижения эффективности изобретательства в системе образования и возможности их устранения.

**Annotation.**The article briefly discusses the mystery of invention, the history of inventive activity, the reasons for the decrease in the effectiveness of invention in the education system and the possibility of their elimination.

Маълумки, ҳеч ким онадан ихтирочи бўлиб туғилмайди, улар сизу-биз. Хўш ундай бўлса нега ҳамма ихтирочи бўлавермайди, унинг сирини нимада?. Ихтирочиликнинг муҳим сирларидан энг биринчиси, атроф ҳодисаларга синчковлик билан қараш ва “нега шундай?. Нима қилиш керак?” деган лоқайд киши ҳеч қачон ихтирочи бўлолмайди.

Ихтирочиликнинг иккинчи муҳим сирини унда: кузатувчанлик, қониқмасликдан ташқари, фикр устунлиги, ҳар томонлама чуқур билимлилик, юқори малакалилик каби кўплаб сифатлар бўлишлигидир.

Ихтирочилик ҳеч кимнинг хизмат вазифасига кирмайди. Ихтирочи деган алоҳида мансаб, касб ёки вазифа йўқ. Ихтирочилик-ички туғён, чақирик. У инсонлар турмуш тарзини, меҳнатини яхшилашга интилиш. Бир сўз билан айтганда, ихтирочи-табиат билан жамият, фан билан техника, ўтмиш билан келажакни боғловчи занжирдир.

Илмий кашфиёт деганда табиат ва жамият, тафаккур ва техника соҳаларидаги инсоният учун номаълум бўлган қонуниятларни сабаб-оқибатлари орқали таҳлил қилиб аниқлашни тушинилса, ихтиро деганда кашфиётдан фарқли ўлароқ маълум қонуниятларга таяниб мақсад-воситалар ёрдамида техника, ишлаш усули, бир нарсани бошқа мақсадларда қўллаш, микроорганизмлар, товар белгиси, фойдали қурилмалар яратишни такомиллаштириш, янгисини яратиш билан боғлиқ техник ечимни тушунилади. Ихтирода таклиф қилинаётган техникавий ечим ҳам худди кашфиёт сингари дунё бўйича янги техникавий ечим деб тан олинishi керак.

Деярли кўпчилигимиз ҳар куни гугурт чўпидан фойдаланамиз ва гўё ҳеч нарса бўлмаганидек унинг ўндан бир қисмини ишлатиб қолганини шундоқ ташлаб юборамиз. Ихтирочи эса чўпнинг иккинчи учига ҳам ёнувчи бошча ўрнатиб унинг ишлаш муддатини икки марта узайтириш ғояси билан рўзғор, гугурт чўпи тайёрлаш технологияси, дарахтларни кесиш ва транспорт харажатларини ҳам икки баробар камайтиришдан ташқари, шу мақсадда кесиладиган ўрмонзор майдонини ҳам икки баравар қисқартириб жамиятга қанчадан катта фойда келтиришни ўйлайди.

“Таълим тўғрисида” ги Қонун ва Кадрлар тайёлаш миллий дастурига асосан кенг кўламдаги илмий тадқиқот ва ўқув машғулоти олиб борилмоқда. Фан ва технологиялар марказида ижтимоий-гуманитар, илмий-амалий ва фундаментал тадқиқотлар танловлари эълон қилинмоқда. Танлов ғолиблари тадқиқот ишларини олиб боришлари учун давлат хазинасидан пул ажратилапти.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустақилликка эришилгандан сўнг шахсинга қўл-заковат мулки бўлган ихтиролар тизимида жиддий ижобий ўзгаришлар бўлди. Жумладан, собиқ иттифоқ даврида ихтиро учун муаллифлик гувоҳномаси берилиб, ундан давлат тасарруфидаги ҳар қандай корхона ёки ташкилот чекланмаган муддатда фойдаланиши мумкин эди. Яъни, шахсинг ақл-заковати давлат мулки ҳисобланар эди.

Ҳозирда эса ихтиро учун патент бериш йўлга қўйилди. Бунинг фарқи шундаки, патент муаллифи ақл-заковати учун мутлоқ хўжайин ҳисобланади. Унинг ўзидан бошқа ҳеч ким бу ихтиродан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

Патент Республикамизда 2003 йилгача 5 йиллик муддатга берилар эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 октябрдаги 357-сонли қарорига мувофиқ шу йил 11 апрелдан эътиборан 20 йиллик муддатга бериш жорий этилди. (Бу муддат АҚШ да 17 йил, Германияда 18 йил, Англияда 16 йил ва ҳақозо).

Шахс ақл-заковати жуда катта иқтисодий, маданий ва ижтимоий сиёсий ютуқлар сабабчиси экан, унга вилоятимизда эътибор қандай, деган савол туғилади. Ақл-заковат ахборотларсиз ривожланмайди. Борди-ю биронта ғоя пайдо бўлса, уни ихтиро деб расмийлаштириш учун, албатта Тошкентга бориб, патент излаш билан шуғулланиш керак бўлади.

Шу маънода вилоятимизда “Ихтирочилар уйи” ташкил қилиб, унда ҳар бир тадбирлар (“Заковат”, “Ўйла, изла, топ” ва ҳоказо) ўтказиб турилса, яхшт бўлар эди.

Бундан 10-15 йил муқаддам ҳар йили июн ойининг охири яқшанбасида “Ихтирочилар куни” ўтказиларди. Унда вилоятимиздаги энг яхши ихтиролар муаллифлари билан учрашувлар, уларни тақдирлаш маросими, ғоялар

муҳокамаси ўтказиларди. Муаммолар муҳокама этиларди. Бугунги кунда нега ана шу анъана давом эттирилмаяпти.

Республикааҳолисини ихтирочилик сирлари билан таништиришни махсус ихтирочилик институти ва мактаблари ташкил қилиш билангина мувоффақиятли амалга ошириш мумкин. Масалан Германияда 9-10 синфларга ўқув ҳажми: 44 маъруза, 24 соат семинар, 42 соат машқ қилиш машғулотидан иборат ихтирочилик сирлари ўргатилади. Хўш нега бизда бу мумкин эмас?.

Бизнингча барча турдаги ўқув суассасаларига ўзига хос дастурлар асосида ихтирочилик сирларини ўргатувчи дарслар киритиш вақти келди. Шунингдек ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида (комбинат, завод, фабрика, қишлоқ хўжалиги ва ҳоказо...) ихтирочилик бўйича ўқитиш ишлари олиб борилиши керак.

Мазкур тилга олинган камчиликлар янада авж олиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шуларни ҳисобга олиб, ихтирочилик фаолиятини ривожлантиришнинг кўйидаги мухтасар омилларини таклиф қилишни лозим деб топдик.

1. Ўра мактабларнинг 9-11 синфларида, барча турдаги ўрта махсус ва олий ўқув юртларида маълум дастур асосида ихтирочиликка оид назарий ва амалий дарс соатлари киритилиши зарур.
2. Илмий-тадқиқот ва ихтирочилик ишларини хўжалик ҳисобидан чиқариб тўлиқ давлат таъминотига ўтказиш керак.
3. Вилоятларда ихтирочилик уйи ва унинг қошида патент фондлари ташкил қилиниши лозим.
4. Республика миқёсида “Ғоялар хазинаси”, вилоятларда эса “Ҳаётий муаммолар” газета ёки журналлари чиқаришни таъминлашни амалга ошириш зарур.
5. Маълум санани “Ихтирочилар куни” деб белгилаш ва яхшт ғоялар муаллифларини рағбатлантириш керак.

Бу таклифлар албатта бизники, истеъдоди олимларимиз, Республикамизни оламга танитадиган фанимиз истиқболини олдиндан кўра оладиган ҳақиқий жонкуяр ва одил раҳбарлар орамизда кўп. Уларнинг мулоҳазаларини зудлик билан бир марказга тўплаб, тугишли қарорга келиши зарур. Ихтирони давлатнинг мияси дейдилар, ихтирочилик ривожланмаган мамлакат бир жойда депсиниб тураверади.

Илм фан қанчалик тараққий этмасин кашфиёт ва ихтиролар яратилаверади, инсон олис юлдузларга отланганда ҳам ихтиролар тиним билмайдилар, бошқалар учун барча нарса тўқис туюлганда ҳам ихтирочининг кўнгли тўлмайдди. Чунки ихтирочининг қизиқувчан янгиликка

ташна онги одамзод ясай олмаган обадий двигателнинг ўзгинаси – у ҳеч маҳал тўхтамайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. А.К.Доценко. В помощь активисту ВОИР. Справочное пособие. Москва: Профиздат, 1987.
2. Речецкий. Профессия изобретатель. Москва: Просвещение, 1988г. с. 3-4.
3. Х.Тоғаев. Ихтирочилик сири, “Жиззах ҳақиқати” №56, 9.07.1994й.
4. Х.Тоғаев. Изланиш тараққиётга элтади. “Жиззах ҳақиқати” 1991й, 29-июнь.